



**Аскарова
Дилором
Юлдашовна**
**№ 113 Ал-Форобий
номли умумий ўрта
мактабнинг олий
тоифали ўзбек тили
ва адабиёти фани
ўқитувчиси**



10-синф

Ўзбек тили

(Ижтимоий-гуманитар
йўналиш)

МАВЗУ: НУТҚ МАДАНИЯТИНИНГ ЎЧМАС НАМУНАЛАРИ

Таълимий мақсад:

- 10.2.6.- тўлиқ ва тафсилотли ўқишда ўқишининг намойиш этиш кўринишидан фойдаланиш.
- 10.2.7.- турли манбалардан ахборотларни ажратиш ва уларни ҳар хил нуқтаи назардан талқин этиш.
- 10.3.6.- китобхонга таъсир кўрсатиш воситаларидан фойдаланиб, турли жанрдаги тасвирий матн ва ривоя матн ёзиш.


ДАРСНИНГ МАҚСАДИ:

- 1. Нутқ маданиятининг ўчмас намуналари билан танишиш орқали “Сўз қудратли қурол” эканлигини тушуниш.
- 2. Буюк инсонлар, машҳур сўз усталарининг ибратли ҳаёти ҳақидаги кўзқарашини кенгайтириш, уларга муносиб авлод бўлиш ҳиссисини сингдириш.
- 3. Тиниш белгилари ва уларнинг гапдаги ролини белгилаш.

БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ:

- 1. Тўлиқ ва тафсилотли ўқишда ўқишининг намойиш этиш кўринишидан фойдалана олади.
- 2. Нутқ маданияти ва унинг аҳамияти, нотиқлик санъати, яхши сўзнинг қудрати ҳақида фикр - мулоҳаза билдира олади.
- 3. Адабий тилнинг имло меъёрларига амал қиласи, тиниш белгиларининг нутқдаги ўрнини белгилайди.

“ТҮПЛАШТИРИШ” СТРАТЕГИЯСИ



Тиренинг қўлланилиши

ВОИЗЛИК САНЬТАТИ



«Чин сўз – мўътабар, яхши сўз қисқа – муҳтасар. Кўп сўзловчи – зериктирувчи, тақрор-тақрор гапирувчи – яқлдан озғал. Айб излопчи – айбли, киши айбини гапирувчи – ўзига ёмонлик соғинувчи. Тўғрилик билан каровчи – покиза назарли. Кипиларнинг яхши томонларини кўрувчи – тўғри назарли. Кимнинг миясида иллат бўлса, сўзида мантлик бўлмайди. Мияси соғлом бўлса, гап-сўзи ёқимли ва хатосиз бўлади. Сўзида паришонлик зиннатланмаган бўлса, унга тўғрилик безаги етарлидир. Ёлғончининг гапи қанчалик чиройли бўлса, шунчалик қабиҳдир. Чин сўз қанчалик бетакаллуф бўлмасин, сўзловчи учун афеусланини йўқдир. Гул либоси йиртиқ бўлса ҳам знёсанз, садаф хунук бўлса ҳам инжу учун пуксоғенса.

Ёлғон сўз шеърдан бошқа ерда номақбул ва ёлғонни айтувчи ақдисиздир.
Байт:

*Сўз иҷраки ёлеон эрур нописанд,
Ту назм эттилар, қилди доно писанд.*

А. Напоий «Маҳбуб ул-қудауб»дан

ТОПШИРИҚ

- Матнда берилган чизиқча ва тиренинг қўлланилишига эътиборни қаратинг.
- Тире ва чизиқчанинг гапдаги ўрни ва нутқдаги роли ҳақида муроҳаза қилинг.

ДЕСПРИПТОР:

- 1. А.Навоийнинг “Маҳбуб ул қулуб” асари ҳақида маълумотга эга.
- 2. Матнда қўлланилган тире ва тиренинг қўлланилишига эътибор қаратади.
- 3. Нутқнинг меъёрларига риоя қилади.
- 4. Тилшунослик назариясидан “Тире ва унинг қўлланиши ҳақида”ги маълумот билан таниш

102-МАШҚ

- Матндаги асосий ахборотга эътиборни қаратиб, баҳс-мунозарага сабаб бўлувчи З та муаммоли савол қўйинг.
- Матнда тиренинг ишлатилиш сабабини тушунтиринг.

ДЕСПРИПТОР:

- 1. Матн юзасидан фикр-мулоҳаза юритади.
- 2. Асосий ахбортга эътиборни қаратади.
- 3. Баҳс- мунозарага сабаб бўлувчи муаммоли савол қўя олади.
- 4.Матнда тиренинг ишлатилиш сабабини тушунтириб бера олади.

Тиренинг қўлланилиши:

1. Эга ва кесим, ҳаракат номи ёки саноқ сон билан ифодаланиб, кесимлик қўшимчаси бўлмаса эга билан орасида тире қўйилади. Масалан, ўқиш ўрганиш. Иккى ўн беш – бир ўттиз.
 2. Эга билан кесим у, бу, мана бу олмошлари билан ажратилса: Тинчлик – бу севинчдир.
 3. Эга ва кесим от, сон, олмош, сифатдош билан ифодаланиб боғламасиз бўлса: Бу-буюк алломалар юрти. Юрган – дарё, ўтирган – бўйра (*Моқол*).
- Эга билан кесим орасида қўидаги холларда тире қўйилмайди:
1. Эга билан кесим орасида ҳам сўзи келса. Биз ҳам талаба.
 2. Кесим шахс қўшимчасини олган бўлса ёни юклама билан келса. Бу нишини биламиш. Шу талабами?
 3. Кесимда *-дир*, *бўлади*, боғламалари мавжуд бўлса. Мехнатроҳатдир. Мехнат билан топилган нон ширин бўлади.
 4. Уюшиқ бўлаклардан кейин келган умумлаштирувчи сўздан олдин тире қўйилади. Ватанга садоқат катталар пайдо жичиклар учун – ҳамма үчун бўрч.
 5. Ажратилган кесимдан олдин тире қўйилади. Уйда кўп иш қилди – супурди, тозалади, кир юяди.
 6. Ажратилган бўлак кенгайиб, уюшиб келса, гап охирида келса ундан олдин тире қўйилади. Пахтакор ўзбекман – забардаст, тантли.
 7. Ажратилган бўлак гап орасида келса иккى томондан тире қўйилади. Энди одамлар – отлик, пиёда, ёш, қари – учрай бошлади.
 8. Таркиби катта бўлган кириш гапларнинг иккى томонида тире қўйилади. Ка-булхона – бу ер илгари катта бойнинг меҳмонхонаси бўлса керак - қоронги эди.
 9. Мазмунан вид бўлган боғловчисиз қўшма гаплар орасида тире қўйилади. Жисимимиз йўқолур – ўчмас номимиз.
 10. Боғловчисиз қўшма гаплар орасида ўхашлик бўлса тире қўйилади. Сув келди – нур келди. Вақтинг кетди – нақдинг кетди. (*Моқол*)
 11. Боғловчисиз қўшма гаплардан пайт, натижа, шарт, сабаб маънолари аংглашилса тире қўйилади. Ўқуичилар келди – дарс бошланди. Юрт тинч – сен тинч.
 12. Кўчирма гап муаллиф гапидан олдин ёки муаллиф гапининг инида келса, кўчирма гапдан кейин вергул, тире қўйилади. «Дарс тугаши билан келгин», – деди онам.
 13. Ўқитувчимиз «Кўп ўқиган, албатта, кўп билади», – дедилар.
 14. Муаллиф гапи кўчирма гап орасида келса, муаллиф гапининг иккى томонидан тире қўйилади. «Бу ишни ўзимиз бажарамиз, – деди акам. – Бирор бизга иш қилиб берармиди?»

УЙГА ВАЗИФА:

□ 103-машқ. Буюклар бисотидан.

Машқда Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Алишер Навоий каби туркшунос олимларнинг нотиқлик, сўз санъати ҳақидаги қимматбаҳо фикрлари келтирилган.

Машқ юзасидан тадқиқот иши :

- 1. Матнни ўқиб, асосий ғояни топиш.
- 2. Аниқ ва ноаниқ маълумотларни ажратиш.
- 3. Асардан ҳаётий ва тарбиявий хулоса чиқариш.

РЕФЛЕКЦИЯ:

“Сўнги сўзни мен айтаман”

- 1. Мен бугун дарсда нимани ўргандим?
- 2. Дарснинг қайси жиҳати ёқди?
- 3. Мен учун нима қийин бўлди?